



MILLIY TIKLANISH

53 (61) 2009 йил 30 декабрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliy@sarkor.uz



ЎЗМТДП
Қорақалпоғистон
Республикаси
кенгаши

Мамлакатимиз аҳлини
кириб келадиган
Янги йил билан
самимий қутлайди.

3-бет ←



Баркамол авлод орзуси

Ўтган йилни сарҳисоб қиларканмиз,
беихтиёр амалга ошган орзу ва истак-
ларимиздан қувониб, янги мақсадларни
чамалай бошлаймиз. Айниқса, Юртбо-
шимиз томонидан янги 2010 йилнинг
"Баркамол авлод йили" деб эълон
қилинганлиги биз ёшларнинг зимма-
мизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

4-бет ←



«Қизилқумцемент»
ОАЖ жамоаси

Барча
юртдошларимизни
Янги — 2010 йил
билан чин
юракдан
муборакбод этади.

8-бет ←

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Умумэътироф этилган халқаро нормаларнинг амалдаги ифодаси

27 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзга яқин кузатувчи беvosита кузатиб борди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, парламент сайловига тайёргарлик, беvosита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини сўради.

Лим Жонг МЕНГ, "Дипломаси" журнали вице-президенти (Жанубий Корея):

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар - демократия, ошкоралик, муқобиллик ва кўппартиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни қайта бу жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро ҳамжамиятда мамлакатининг сайлов тизимига бўлган ишонч янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўтган овоз бериш жараёнини Тошкент шаҳридаги 288, 297-сайлов участкаларида кузатдим. Уларнинг ҳаммасида ушбу сиёсий тadbирга пухта тайёргарлик қўрил-

гани яққол сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси парламентини сайловига оид қонун ҳужжатлари, газета-журналлар, плакатлар, номзодлар ҳақидаги бошқа ранг-баранг маълумотларни деярли барча жамоат жойларида кўриш мумкин. Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шуки, сайлов кунини муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўчма кўти олиб борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

Абдулқодир АЛ-ҲАБИ-БУЛЛА, сиёсий ва молиявий таҳлилчи (Саудия Арабистони):

Марғилон шаҳридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатиб, унинг демократик нормаларга тўла мувофиқ ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириши учун

халқаро талаблар даражасида имконият ва шароит яратилган. Шунинг ўзи Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлини танлагани ва бу йўлдан дадил бораётганини кўрсатиб турибди.

Сайлов кунини кўрсатилган номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган округларда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод бўйича қайта овоз берилиши мамлакатининг шаклланди демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Василий ВОЛКОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

Кўп мамлакатларда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Тан олиш керак, мамлакатининг сайловда кузатувчилар учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда парламент сайлови ошқоралик, демократик нормаларга мос ўтди. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ўн бешга яқин сайлов участкасида бўлиб, сайлов жараёнларини диққат билан кузатдим. Юксак савияда жиҳозланган сайлов участкалари менда ҳавас уйғотди. Сайлов жараёнларида ҳеч қандай камчилик кўрмадим.

Номзодлар етарли миқдорда овоз тўплай олмаган сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилиши халқаро андозаларга тўлиқ мос келиши баробарида Ўзбекистон сайлов тизимининг нечоғли ишончли, тўғри ва одилона ишлаб чиқилганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

БАЙРАМ ТАРОВАТИ

Озод юртнинг бахтли фарзандлари

Истиклолнинг буюк неъматларидан баҳра олиб
Янги йилни қарши олмақдалар

Кунлар, ойлар ўтади, фасллар тақрор-тақрор алмашади... Янги йил кириб келмоқда... Мустақиллик майдонида қад ростлаган улкан арчага қараб, у ерда қувониб юрган бола-жонлар, ота оналарни кўриб, шодиёна ўтган кунларимизни эслаймиз.

Янги йил — уни каттаю кичик, айниқса, болалар интиқлик билан кутади. Ахир ким ҳам оппоқ қорга ўранган табиат кўйида, баланд турфа хил безалган ям-яшил арча атрофида қўшиқ айтиб рақс тушишни хохламайди, дейсиз. Қорбобо ва Қорқиз улашаётган совғаларни айтмайсизми...

Янги йил байрамига бағишланган шодиёналар мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бўлгани каби пойтахтимизнинг майдонлари, истироҳат боғлари ва маданият масканларида ўтказилмоқда.

Ана шундай байрам сайли шаҳримизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида қизгин давом этмоқда. "Эртақлар шаҳарчаси"дан жой олган улкан арча атрофида болаларнинг шодон ўйинлари авжида. У ердаги ажойиб аттракцион ўйингоҳларида қувнаб, завқланиётган, болаларнинг хурсандчилигини кўриб, бутун ташвишларни унутасиз. Йўл бўйига ўрнатилган ранг-баранг чироқлар уларнинг жилосини тарастишга, ҳаммани ўзига қаратишга уринаётгандай гўё...

Эрта тонгдан кечгача давом этаётган байрам томошалари,



эстрада, цирк, рақс санъати усталари ижросидаги муסיқий дастурлар болаларнинг қишиқ таътил кунларини қизиқarli ўтишига хизмат қилмоқда.

Бу ерда ташкил этилган Янги йил байрами шодиёналари, майдондаги улкан арча, Қорбобою Қорқиз, театрлар ширинлиги томошалар унутилмас таассурот уйғотди. Кўнглимиздаги фахр ва ҳаяжонларимиз янада тўлқинланди, - дейди Қашқадарё вилояти Китоб

туманидан келган Ҳасан ва Ҳусан Жалиловлар. - Ушбу тadbир биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир намунасидир. Бунга жавобан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга, миллий кадриятларимизни дунёга танитишга қодир, комил фарзандлар бўлиб етишишимиз лозим.

Майдонни айланар экансиз, болажонларимизнинг шўх-шодон овози, болажон халқимиз-

нинг кўзларидаги меҳр-муҳаббат, самимият ва соддадиллик сингари хислатларини кўриб, беихтиёр сизнинг ҳам қалбингизга илиқлик киради.

Бир сўз билан айтганда озод юртнинг бахтли фарзандлари истиклолимизнинг буюк неъматларидан баҳра олиб Янги йилни қарши олмақдалар.

Камолитдин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбири

Ўзбекистон халқи демократик ислохотларнинг чуқурлаштирилиши учун овоз берди

2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди

28 декабрда сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов қайд этдики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчиларга маълум қилиндики, дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 15 миллион 108 950 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизини ташкил этади. Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун-

нинг 44-моддасига биноан, парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 96 та сайлов округида депутат сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 39 та сайлов округида икки ҳафталик муддатда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод учун

қайта овоз бериш ўтказилади. Сайлов кунини Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Ижроия қўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатасига мазкур ҳаракатдан 15 нафар депутат сайланди.

Матбуот анжуманида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган барча демократик норма ва принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ:

Ўзбекистонда сайлов демократия, эркинлик ва ошкоралик руҳида ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида 28 декабрь кунини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Кузатувчилари миссияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Кузатувчилари миссияси ва Ислам Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов мониторинги натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказилди. Уларда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Матбуот анжуманларида миссияларнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижаларига оид баёнотлари ўқиб

эшиттирилди. Уларда баён этилган хулоса ва фикрлар миссияларнинг ўз кузатуви, сайлов кампанияси мониторинги жараёнида тўпланган

материаллар ва маълумотлар таҳлилга асосланган таъкидланди. Миссиялар вакиллари сайловни бемалол кузатиш ва зарур ахборотларни олиш имкониятига эга бўлди. Улар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги сайлов участкаларида бориб, сайловда иштирок этган сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси - Ижрочи котиби Сергей Лебедев ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Умумэтироф этилган халқаро нормаларнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сафо Махмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, "Orient Consulting & Legal Translation" компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов кунини бир неча участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентида сайлов уюшқоқлиги билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шунинг алоҳида таъкидламоқчи эканман, мамлакатингизда сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далolat.

Пак Му-ЖОНГ, "Korea Times" газетаси президенти (Корея):

Номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган баъзи сайлов округларида яқин кунларда қайта овоз бериш ўтказилиши Ўзбекистон сайлов тизимининг энг демократик жиҳатларидандир.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги билан чуқур танишдим. У ҳар томонлама мукамал ва халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. Ҳуқуқий замин мустаҳкам бўлгани учун ҳам Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов юқори савияда, қонунийлик, кўппартиявийлик, муқобиллик ва адолат асосида ўтди. Кўплаб участкаларда бўлиб, бунга шахсан тўла ишонч ҳосил қилдим.

Сайловчилар фуқаро сифатида ўз ҳуқуқини эркин амалга оширди. Бу жараёнда уларга ташқаридан таъсир қилиш, аралашши ҳолатлари умуман кузатилмади. Депутатликка номзодлар орасида хотин-қизлар вакилларининг кўпчилиги ҳам Ўзбекистонда қарор топган демократиянинг энг гуманистик жиҳатларидандир.

Елена КУЗМИНА, Россия Фанлар академиясининг Иқтисодий институтини етакчи илмий ходими:

Тошкент вилоятидаги сайлов участкаларига бориб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов жараёнини бевосита кузатдим. Сайлов халқаро нормаларга биноан, юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтди. Одамларнинг эрта тонгдан овоз беришга келиши, сайловга оид қонунчиликни яхши билиши мени ҳайратга солди. Мен сайлов жараёнида бирор-бир қонун бузилишига дуч келмадим, сайловчиларга нисбатан тазйиқ ўтказилганини кўрмадим.

Ушбу тадбирда хотин-қизлар фаол иштирок этганини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар ташқиловчи сифатида ҳам, сайловчи сифатида ҳам ўз салоҳиятини тўла намойён этди. Бир сайлов участкасида ёши улуг онахон набираси билан келиб овоз берганини кўрдим. Бундан ташқари, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан билдимки, депутатлик ўринларига хотин-қиз даъвогарлар кўп экан.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан тараққиёт босқичини босиб ўтди. Жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳам-жиҳатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ислохотларнинг самараси 27 декабрь кунини бўлиб ўтган сайловда яна бир қарра яққол намойён бўлди.

Аржун АМЛА, туризм бўйича мутахассис (Хиндистон):
27 декабрь кунини ўтган сайловда кузатувчи сифатидаги иштирокчи халқингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларини янада бойитди. Унаб сайлов участкаларига бо-

риб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдим. Юртингизнинг барча ҳудудларида сайловга қизгин ҳозирлик кўрилгани ва тадбир юқори савияда ўтганини гувоҳ бўлдим. Халқингиз кўтаринки кайфиятида, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Ўзбекистонда хорижий сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратилган. Жорий йилда Хиндистондан тўрт мингдан ортиқ сайёҳ Ўзбекистонни зиёрат қилишга муваффақ бўлгани бунинг ифодотиридир. Биз бундай алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамыз. Зеро, ўзбек ва хинд халқлари бир-бирининг маданиятини, қадриятларини яхши тушунади ва эъзозлайди.

Олег КУЛЕБА, МДХ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси:

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнини халқаро демократик тамойиллар асосида ташкил этилгани ва сайловларда илк овоз беришчилар учун ҳам халқаро стандартлар асосида шароитлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Сайлов участкалари барча техник ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган. Бир сўз билан айтганда, сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган. Бу мазкур сиёсий жараёнинг юқори савияда ўтишини таъминлади.

Халқаро кузатувчи сифатида шунини айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг сайловни ўтказиш ва уни ташкил этишда ўзига хос йўналиши мавжуд. Фуқароларнинг овоз бериш жараёнидаги фаол иштироки ҳам диққатга сазовор.

Сайлов кунини баъзи округларда кўрсатилган номзодлар етарлича овоз тўплай олмади. Шу боис уш округларда қайта овоз бериш ўтказилади. Бу жараён нафақат демократик тамойилларга тўлиқ мос келади, балки Ўзбекистонда сайлов тизими адолатли ва мукамал ишлаб чиқилганидан далolat беради.

Анатолий КИНАХ, Украина парламенти депутати:

Сайлов жараёнларини Самарқанд вилоятидаги қатор участкаларда кузатишга муваффақ бўлдим. Ўзбекистонда парламент сайловни кўппартиявийлик асосида ўтгани мамлакатингизда демократия тамойиллари устуворлигининг яққол тасдиғидир. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнлари билан танишиб, демократияга хос ошқоралик, очиқлик тамойилларига тўлиқ риоя этилганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилгани - жуда улуг иш. Унга 15 депутатлик ўринининг берилгани мамлакатингизда табиатни асрашга, аҳоли саломатлигини янада яхшилашга катта ҳисса қўшади. Хайрли ишга ундовчи бундай сиёсий жараён ҳали ҳеч бир мамлакат тарихида учрамаган.

Мухаммад Талха Махмуд АРЬЯН, Покистон Сенати ички ишлар бўйича қўмитаси раиси:

Қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмагани туфайли яқин кунларда ана шу сайлов округларида қайта овоз бериши ўтказиш режалаштирилган. Бу мамлакатингиз сайлов тизимининг барча халқаро нормалар - демократия, очиқлик ва ошқоралик, кўппартиявийлик, адолатлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг ёрқин намунасиридир.

Марказий сайлов комиссияси ўз ишини жуда пухта ва изчил олиб борганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу борада Ўзбекистонлик мутахассислар катта тажрибага эга эканига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингизга сафарим давомида нафақат сайлов жараёнларини бевосита кузатиш, балки Ўзбекистон сайлов тизимини чуқур ўрганиш, фикр-мулоҳаза алмашиш имконига ҳам эга бўлганимдан мамнунман.

ЎЗА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди

Ўзбекистон халқи демократик ислохотларнинг чуқурлаштирилиши учун овоз берди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий сайлов комиссияси раиси таъкидлаганидек, қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмаган.

Сайлов - кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг самарали, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган асоси яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошқоралик ва адолат каби тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

Бу галги сайловнинг ўзига хослиги шундаки, у сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кенгайди ва мустаҳкамланди. Президент Исрол Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунининг амалга оширилиши кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига улкан таъсир кўрсатди. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошди.

Миллий қонунчиликка кўра сиёсий партияларга, улар тавсия этган депутатликка номзодларга сайловолди кампаниясини олиб боришда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, уларга ўз сайловолди дастурлари моҳиятини етказишда, оммавий ахборот воситаларида сайловолди тарғиботини олиб боришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди.

2009 йилги сайловни қонунчилик талаблари асосида, юксак демократик савияда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича концепция қабул қилинди. Қонунчиликда ва концепцияда белгиланган барча учун бир хил сайлов меъёрлари ва талаблари, сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тартибига сайлов кампанияси давомида тўлиқ амал қилинди.

Сайловнинг демократлиги, бу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя

қилиниши округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунчилик, ошқоралик, мустақиллик ва адолатлик тамойилларига асосланган аниқ, уюшган фаолияти орқали таъминланди. Барча 8447 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютерлар ва ташкилий техника, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди. Ҳудудларда округ ва участка комиссиялари аъзолари учун ўқув-семинарлари, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошқоралиги маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирокини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов мониторингини 36 давлатдан ва тўрт халқаро ташкилот - ЕХХТ, ДИИХБ, МДХ, ШХТ ва ИКТ миссияларида 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг 30 мингдан зиёд кузатувчилари ва 30 мингдан зиёд ваколатли вакиллари томонидан таъминланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси маълум қилганидек, ҳозир Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи - Конференцияси томонидан тақдим этилган баённомалари ва бошқа ҳужжатларни қўриб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошқоралиги маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирокини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов мониторингини 36 давлатдан ва тўрт халқаро ташкилот - ЕХХТ, ДИИХБ, МДХ, ШХТ ва ИКТ миссияларида 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг 30 мингдан зиёд кузатувчилари ва 30 мингдан зиёд ваколатли вакиллари томонидан таъминланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси маълум қилганидек, ҳозир Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи - Конференцияси томонидан тақдим этилган баённомалари ва бошқа ҳужжатларни қўриб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошқоралиги маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирокини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов мониторингини 36 давлатдан ва тўрт халқаро ташкилот - ЕХХТ, ДИИХБ, МДХ, ШХТ ва ИКТ миссияларида 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг 30 мингдан зиёд кузатувчилари ва 30 мингдан зиёд ваколатли вакиллари томонидан таъминланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашди.

Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ, зарур ҳолларда - айрим сайлов участкалари комиссиялари материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиқлаб текширилади. Фақат шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов натижалари тўғрисида қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ сайлов натижалари тўғрисидаги хабар ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг 10 кунлик муҳлатдан кечиктирилмай матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида иштирок этган мамлакатимиз ва хорижий журналистлар 2009 йилги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов юксак ташкилий савияда, демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказилди. Бўлиб ўтган сайлов электротат фаоллиги ошганлигидан, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий етуқлигидан далolat беради.

27 декабрда халқимиз жонахон Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ватан тараққиётига йўналтирилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан олга одимлаётганлигини яна бир бор намойиш этди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ:

Ўзбекистонда сайлов демократия, эркинлик ва ошқоралик руҳида ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Ўзбекистонда эркин ва демократик сайловни таъминлаш учун кўрилган чора-тадбирларга юксак баҳо берилган. Мамлакатимизда шаклланган метёрий-ҳуқуқий база сайловни юксак савияда ўтказиш имконини бериши, шунингдек, сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириши, овоз бериши ва овозларини санаб чиқиш жараёнининг ошқоралигини таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилгани қайд этилган. Ушбу баёнотга биноан қуйидаги хулоса ва баҳолар келтирилган:

"МДХ Кузатувчилари миссияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш бўйича амалдаги сайлов қонунчилиги ва демократик нормаларга мувофиқ ўтказилди, деб ҳисоблайди;

сайлов эркин ва ошқора ўтказилди, деб эътироф этади;

сайлов фуқаролик жамиятининг сиёсий етуқлик даражасини намойён этгани, сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришини таъминлагани, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети асослари ва демократик пойдеворини мустаҳкамлаганини қайд этади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари мис-

сиясининг матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш юзасидан кузатув натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШХТ Бош котиби ўринбосари Шерали Жононов ўқиб эшиттирди.

Хусусан, унда қуйидагилар қайд этилган: "Миссиянинг фикрича, овоз бериш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ амалга оширилди. Умуман, сайлов участкаларида ишларнинг уюшқоқлик билан ташкил этилгани, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овоз беришда фаол иштирок этгани кузатилганини таъкидлаш жоиз.

Сайлов жараёни давомида Миссияга шикоят ва эътирозлар билдирилмади.

Миссия вакиллари сайлов участкаларида бюллетенларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунлари бўйича тегишли баённомаларни тузишда ҳам иштирок этди. Ушбу жараёнда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бузилиш ҳолатлари Миссия томонидан аниқланмади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов эркин, транспарентлик асосида, миллий қонунчилик талаблари ва унинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ равишда ўтқа-

зилди, деб ҳисоблайди. Сайловда овоз бериш натижаларини шубҳа остига қўядиган қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмади."

Исрол Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссияси ҳам Ўзбекистон парламенти қўйи палатасига сайлов мониторинги бўйича улкан ишларни амалга оширди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ИТК Бош котиби маслаҳатчиси Шукру Туфан мониторинг натижалари бўйича ўз баёнотида миссия кузатувчилари фаолияти давомида сайлов участкаларига бемалол бориш имкониятига эга бўлгани ва мамлакат фуқароларининг парламент сайловда фаоллигининг гувоҳи бўлганини таъкидлади. Миссия вакиллари борган сайлов участкаларида сайлов жараёни бузилмаганини қайд этди.

Мен Ўзбекистон халқини сайловда фаол қатнашгани ва шу тариқа мамлакатингизда сиёсий институтлар ролинини ошириш жараёнида ўзининг юқори масъулиятини ва дахлдорлигини намойён этгани билан қутлайман, - деди ИКТ миссияси раҳбари. - Исрол Конференцияси ташкилоти Кузатувчилари миссияси номидан Ўзбекистонда сайловнинг ташкил этилишидан ва транспарентлик асосида ўтганидан қониқиб ҳосил қилганини билдирмоқчиман. Ушбу сайлов Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳизмат қилишига ишончимиз комил.

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Сайловда ёшлар ҳам фаол

Джун Нагата (Япония), "Киодо Цусин" Ахборот агентлиги вакили:

Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Бу ердаги ҳозирги ҳолат ўқиганларим ва эшитганларимдан ҳам зиёда экан. Тошкент шаҳридаги бир неча сайлов округи ва участкалари бўлиб, сайловолди жараёнлари билан танишдим. Сизларда сайловга жуда ҳам жиддий тайёргарлик кўрилган экан. Сайловчи сайлов округи ёки участкасида истаган маълумотини олиши мумкин. Сайловчиларнинг сони, исми фамилияси, округ ёки участка харитаси, коммуникация воситалари тўлиқ мавжуд.

Сайлов кунини Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлдим ва сайлов жараёнини бевосита кўриш имконига эга бўлдим. Ўзбекистонда сайловда сайловчилар фаол иштирок этишар экан. Мен бўлган Навоий вилоятидаги 34-сайлов округида эрталлабки тўққизгача ўттиз фоизга яқин сай-

ловчи ўз овозини бериб бўлган экан. Бу жуда ҳам катта кўрсаткич ва фаолликнинг олий намунаси. Менда айниқса ёшларнинг сайловга бўлган фаол муносабати катта таассурот қолдирди. Мен қаерда бўлмай сайловлар очик ва эркин ўтаётганининг гувоҳи бўлдим. Буни сайлов натижалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Сизларда сайловчиларга қулай шароит ва имконият яратилган. Мен бу ерда айниқса талабалар ётоқхонаси ёки харбий ўқув масканларида ташкил этилган сайлов участкаларини назарда тутаяман. Бу, биринчидан, ёшларни сайловда фаол иштирок этишини таъминласа, иккинчидан овоз беришчилар сонини янада кўпайтишига ҳизмат қилади. Ўзбекистон сайловларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳар жиҳатдан ўзига хос тажриба ва усулга эга, дейиш мумкин.

Амар Абдулрахмон Зунун Ал-Санжарий, "Ал-Баян" марказий нашриёти бюроси раҳбари:

Мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда кузатувчи сифатида иштирок этганимдан, шу орқали эса юртингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган ишларни кўриш бахтига эга бўлганимдан нихоятда мамнунман. Бу кузатувчиларга сайлов кунини ўзимиз истаган участкага бориб, сайлов жараёнларини кузатиш ваколати берилган. Бу эса сайловга тайёргарлик ва аниқ жараённи чуқур ўрганиш, кузатиш ва таҳлил этиш имкониятини беради. Шунинг билан таъкидлашни истардимки, фуқароларнинг сиёсий савияси нихоятда юксак ва шу билан биргаликда юрт равнақи, ўз келажагига масъуллик ҳисси юқори. Уларнинг сайловда ўз хоши-иродаларини эркин ифодалашлари учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган эса мазкур жараёнинг халқаро меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширилганидан далolat беради.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишиш, шунга амин бўлиш мумкинки, улар ўртасидаги кескин баҳс-мунозара,

ўзаро рақобат муҳити Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг очиқ ва ошқоралигини таъминлаб, овоз бериш жараёнида эса сайловчиларга ўзлари муносаб деб билган номзодларни танлаш имкониятини яратди. Бундай катта сиёсий тадбирда халқнинг фаол иштироки уларнинг мамлакатингизда содир бўлаётган ўзгаришларга муносабатини ҳам кўрсатади.

Таассуротларга келсак, юртингизнинг неча минг йиллик тарихи, бу замин фарзандлари бўлган буюк алломаларнинг дунё илм-фани равнақи қўшган ҳиссаси, улар қолдирган бой, бетакор тарихий, маънавий мерос, қадрият ва аъёнлар бугун бугун дунё аҳлининг эътиборини тортаётгани бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўлдим.

Халқаро кузатувчилар эътиборини торган муҳим жиҳатлардан бири эса халқингизнинг нихоятда меҳмондўстлиги, барикенглиги бўлди. Бухоро, Самарқанд каби тарихий шаҳарлар бежизга шарқнинг гавҳарлари деган номга лойиқ бўлмаган экан. Имкониятдан фойдаланиб, халқингизни кириб келаётган Янги-2010 йил билан чин дилдан муборакбод этаман. Янги йил мамлакатингиз ҳаётида янада юксалиш ва тараққиёт йили бўлиб қолсин.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ



ЎЗМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Юртдошларимизни Янги – 2010 йил билан табриқлайди.

Мамлакат равнақи,
элимиз тинчлиги,
ҳаётимиз
фаровонлиги
йўлидаги эзгу
ишларингизда омад
сизга ёр бўлсин.



Илоҳим, дастурхонимиз тўйин,
ризиқ-насибамиз бутун бўлсин.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин

Азиз юртдошлар!



ЎЗМТДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ


Халқимизни Янги йил айёми билан самимий муборакбод этади.
2010 йил барчамизга шоду хуррамлик, оилаларимизга тотувлик,
дастурхонимизга тўкин-сочинлик олиб келсин.

**ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА
ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМРОН БЎЛСИН.**



ЎЗМТДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Кириб келаётган Янги 2010 йилда халқимизни шодлик, хотиржамлик
тарқ этмасин. Юксак маънавиятли, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш
ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ана шу улдуғ мақсад йўлида яшаётган
юртдошларимизга муваффақият тилаймиз.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

ЯНГИ ЙИЛ ҚҲНФИРОФИ

Ўтган йилни сарҳисоб қиларканмиз, беихтиёр амалга ошган орзу ва истакларимиздан қувониб, янги мақсадларни чамалай бошлаймиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан янги 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги биз ёшларнинг зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга, юксак чўққилар сари қадам ташлашга ундайди...

Ана шу мулоҳазаларни кунгилдан ўтказиб, газетамизнинг янги йил сонидан тендошларимиз, Ватанимиз эртасининг бунёдкорлари бўлмиш, ёш, салоҳиятли йигит-қизларнинг ўтган йилда эришган ютуқлари ва кириб келаётган янги йилда кўзлаган режа ва мақсадлари билан қизиқдик.

Баркамол авлод орзуси

Гулжанат ЖАЛГАСОВА, Тошкент тиббиёт академияси 6-босқич талабаси:

Академиямизда иқтидорли талабалар гуруҳи мавжуд. Гуруҳга қабул қилинишни ҳам ўзига яраша талаб ва шартлари бор. Бунинг учун сиз аъло баҳоларга ўқишингиз, соҳадаги маълум муаммога бағишланган илмий мақолалар, тезисларингиз билан ОАВда чиқишлар қилишингиз ҳамда ўқиш ва жамоат ишларида фаол бўлишингиз лозим. Шу боис ҳам иқтидорли талаба сифатида ўзимни намойиш қилиш учун йил мобайнида "Болалар ва ўсмирлар гигиенаси" кафедрасида устозларим Низомжон Эрматов, Гули Шайхова ёрдамида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бордим, хулоса ва таҳлилларни ўз ичига олган мақолалар ёздим. Мақола ва тадқиқотларимда касалликка қарши курашишда ёшларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишининг аҳамияти, соғлом овқатланишининг ўрни ҳақида амалий изланишлар олиб бордим. Шунингдек, ибн Сино



стипендианти бўлиш учун ўтказилган танловда иштирок этдим. Афсуски, стипендия соҳибаси бўлишим учун янада кўпроқ меҳнат қилишим лозимлигини англадим.

Дарсдан бўш вақтларимда инглиз тили ва компьютерни ўрганаман, спорт соғлиқ гарови эканлигини инобатга олган ҳолда волейбол ўйнаб тураман.

"Баркамол авлод йили"да олдимга катта мақсадларни қўйганман, орзуларим беҳисоб. Президент стипендияси соҳибаси бўлмоқчиман. Тошкент тиббиёт академиясининг магистратурасида ўқиш ниятим бор. Бундан ташқари, бутун дунёни ташвишга солаётган, айниқса мамлакатимизнинг Оролбўйи ҳудудлари экологик муаммоларини бартараф этишда, аҳолининг саломатлигини янада яхшилашда ўз хиссамни қўшмоқчиман. Янги йилда устозларим, ота-онам ва дўстларим, қолаверса барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик тилайман.

Машҳурбек РАИМЖОНОВ, Ўзбекистон Давлат санъат институти Муסיқали театр актёрлиги бўлими 3-босқич талабаси:

Элимизнинг миллий анъаналари, санъати жуда бой ва кўп қиррали. Мен фаолиятим мобайнида бунга яна бир қарра амин бўлдим. Қайси бир халқаро фестивалларда, танловларда иштирок этмайлик барчасида миллий санъатимиз намойиши ҳакамлар томонидан ҳайрат билан қабул қилинган ва ўзининг муносиб баҳосини олган.




2008 йилда "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи билан Испанияда ўтказилган халқаро фольклор фестивалидаги иштирокимиз ҳам ана шундай таассуротларга бой бўлган эди. Унда совриндорлар қаторидан жой олганимиз ҳам бунинг далилидир. Ўтган 2009 йил ҳам ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Ушбу йилда гуруҳимиз аъзолари билан биргаликда Малайзияда ўтказилган 15-халқаро ЗАРБ фестивалида катнашиб, голиб бўлганимиздан ҳам кўра миллий фольклоримиз, халқ ижодиётимизнинг ранг-баранглиги бошқа миллатларни лол қолдирганлиги, уларнинг миллий рақсимизни ўрганишга қизиқиб бизга мурожаат этгани қалбимда фахру ифтихор туйғуларини кучайтирди.

Мен Андижон вилояти Олтинкўл туманида туғилганман. "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзосиман. Мактабда таҳсил олаётган пайтларимдаёқ миллий кўшиқчилигимиз, халқимизнинг боқий анъаналаридан бўлган қизиқчилик ва аскиячилик санъатига ишқим тушган. Айниқса, "Қизиқчи-97", Соиб Хўжаев хотирасига бағишланган кўрик-танловларда иштирок этиб, голиб бўлишимга ҳам устозларимнинг берган сабоқлари, изланишларим ва шунингдек, биз ёшлар учун яратилган имкониятларнинг роли каттадир.

Янги йилда янада кўпроқ ижодга шўнғиб, янги кўшиқлар яратиш, шунингдек, институтдаги таҳсилимни давом эттириш ниятим бор. Ёш истеъодларни мукофотлаш учун таъсис этилган "Нихол-2009" кўрик-танловида катнашиб, афсуски голибликни қўлга кирита олмаган эдим. Янги йилги орзуларимдан бири ҳам "Нихол-2010" мукофоти совриндори бўлишдир. Барчага янги йилда омад, бахт ва юртимиз деймо тинч бўлишини тилайман.

Ақобир САЙИДОВ, тайёрлади

Ҳасан НАРЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси рассомлик коллежи 3-босқич талабаси:



2009 йил мен учун жудаям омадли келди. "Келажак овози" кўрик-танловида ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритдим. Танловда бундан олдинроқ ҳам қатнашган эдим. Буни қарангки, айрим камчиликларим туфайли тақдирланганлар қаторидан жой ололмаганман. Ушундан голиблар шарафига уюштирилган байрам дастурида келгуси йили айнан олий ўринлардан бирига мушарраф бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим ва бунга эришдим. Албатта, бу муваффақиятларни қўлга киритишимда устозларимнинг хиссаси катта. Лицейдаги устозим Леонар Ҳасанов,

онамдек кадрли бўлиб қолган коллеждаги ўқитувчим Райхон опага катта миннатдорчилик билдираман. Энг муҳими, улар орқали ўз йўналишимда услубимни ярата олдим. Илҳом Жабборов, Микеланжело каби буюк ҳайкалтарошларнинг иши менга манзур бўлган. Улар ижодидаги санъат асарларини томоша қилиб, ўрнак олишга интиламан.

Бундан ташқари спорт билан шуғулланаман. Боксга оид барча телевизион дастурлар ҳамда турнирларни кўриб бораман. Бўш вақтимда хорижий тиллардан инглиз тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қиламан. Айни вақтда сизга бемалол ушбу тилда ўзим ҳақимда сўзлаб беришим мумкин.

2010 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиши биз ёшлар учун ушбу йилнинг янада баракали, муваффақиятларга бой бўлишидан дарак бериб турибди. Янги йилдаги орзуларимдан бири ҳам санъатимизни дунё миқёсида намойиш этиш орқали Ватанимизда биздек иқтидор эгаларига кенг шароитлар яратилаётганлиги, бунинг меваси ўлароқ янгидан-янги асарларимиз билан барчани мафтун этаётганимизни исботлашдир. Тенгдошларим ва барча юртдошларимизни янги йил билан табриклаб, уларнинг доимо санъат билан ошуфта яшашларини тилаб қоламан.

Гуландон КУРАМБОЕВА, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги Хореография коллежи 2-босқич талабаси:

Рақс санъати бу инсон қалбидан кечаётган беғубор туйғуларни сўз эмас, нозик ҳаракатлар орқали ифодалаб беришдир. Менинг наздимда миллий рақсимиз дунёдаги барча рақслардан нафислиги, тақрорланмаслиги билан ажралиб туради. Санъат оламига кириб келишимга ота-онам, рақс санъати алифбосини қунт билан ўргатган устозим Аделаина Каудинова сабабчи бўлганлар.

Ўтган йил турли соҳаларнинг бўлажак ёш мутахассислари сингари менинг ҳаётимга ҳам унутилмас воқеаларни муҳрлади. "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловида туман босқичи голибаси бўлдим. "Келажак овози" мега-танловида муваффақиятли иштирок этдим. Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган "Орлеу" кўрик-танловида 1-даражали диплом билан тақдирлангандим. Буларнинг барчаси мени келгусида янада интилувчан бўлишга, ўз соҳамни профессионал даражада эгаллашга ундайди. Келгуси йилдаги



режаларимни бирма бир санаб беришга фурсат етмаса керак. Янги йил эшик қоқиб келаётган экан, орзуларимдан бири сифатида олий таълим муассасаларида таҳсил олишни, маҳоратимни бундан ҳам юксалтириб элимизнинг олқишига сазовор бўлишни истардим. "Баркамол авлод йили"да барча орзу ва ниятларимиз ушалсин!

БУХОРОДАГИ "НЕФТГАЗҚУРИЛИШТАЪМИР"

ОАЖ ЖАМОАСИ

Меҳнатқаш Ўзбекистон халқини, униб-ўсиб келаётган баркамол авлодни Янги йил билан чин дилдан муборакбод этади. Хонадонингиздан қут-барака аримасин, дастурхонингиз янада тўкин-сочин бўлсин!

ҚУТЛУФ АЙЁМ МУБОРАК!

АЙЁМ МУБОРАК!

КАТТАҚЎРҒОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЁТ ВА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Республикамиздаги барча зиёлиларни
Янги - 2010 йил билан қизгин муборакбод этади.

Илм масканимизда бошланғич таълим,
жисмоний тарбия ва болалар спорти,
мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий
ишлар, мактабгача оилавий таълим,
тиббий - ижтимоий ёрдам ижтисоеликлари
бўйича замонавий мутахассислар тайёрланмоқда.
“Баркамол авлод йили”да ҳам анъаналаримизга
ҳамоҳанг тарзда республика миқёсида
ўтказиладиган барча тадбирларда фаол
иштирок этиб, Орзи Маҳмудов номида
стипендия таъсис этиш ниятидамиз.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

Мамлакатимиз аҳлини Янги йил билан табриклайди.
Бизнинг бирлашмамиз 215 минг нафар аҳолига малакали
тиббий ёрдам кўрсатмоқда. 29 та ҚВПлари замонавий
техника билан жиҳозланган. Ревматология ва лор
касалликлари бўлимларида тиббиёт фанлари номзодлари,
олий тоифали шифокорлар фаолият кўрсатишмоқда.

“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ”ДА СИВГА МУСТАҲКАМ
СОҒИШ, ТИНЧЛИК-ХОТТИРАЖАМИШ ЁР БЎЛСИН.

НАЗАРОВ СОҲИБНАЗАР БОҒЛАРИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Барча юртдошларимизни “Баркамол авлод йили” билан муборакбод
этар экан, Янги йил кут-барака, бахт, омад, мўл-кўл ризқ-насиба
олиб келишини тилайди.

ЖАРАЁН

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Мамлакатимизда инсон манфа-
атларини ҳимоя қилиш, унинг
ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лашга қаратилган ислохотлар
ўтказилиши натижасида ҳуқуқ-
тартибот идоралари, хусусан
ички ишлар тизими ҳам янгитдан
шаклланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-
ларини ҳимоя қилишни ички иш-
лар идоралари фаолиятидаги са-
марадорлигини янада юкори бо-
сқичга қўтариш мақсадида 2008
йилнинг сентябрь ойида Узбеки-
стон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги тизимида янги - Инсон
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юри-
дик таъминлаш бошқармаси таш-
кил этилди. Шунингдек, барча куйи
ички ишлар идораларида ҳам
ушбу бошқарманинг бўлим ва
бўлимлари тузилиши эса, ин-
сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,
эркинликларини таъминлаш соҳа-
сидаги ишларни янги босқичга кўта-
риб, фуқароларнинг муносабат-
ларини қонунда белгиланган мун-
ддатларда, тез ва самарали қилиб
чиқилишини кафолатлайди.

Утган муддат давомида Тош-
кент вилояти ички ишлар бошқ-
армаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ва юридик таъминлаш
бўлимаси томонидан ҳам инсон
ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лаш борасида ички ишлар идо-
раларида амалга оширилаётган
ишлар тарғиботи, мавжуд муам-
молар ечими ҳамда бу йўналиш-
да давлат ва нодавлат таъминот-
лари билан ҳамкорликдаги фао-
лият самарадорлиги масаласига

алоҳида аҳамият қаратиб келин-
моқда.

Бундай тадбирларда ҳуқуқий-
демократик давлат ва эркин фу-
қаролик жамиятини барпо этиш
борасидаги ҳаракатлар, суд-ҳуқуқ
соҳасида амалга оширилаётган
ислохотларни ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи идоралар тизимига тат-
биқ этилишини таъминлаш бораси-
да амалга оширилиши лозим
бўлган вазифалар, шунингдек,
ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик
ҳолатларининг олдини олишда
кенг жамоатчилик, хусусан, ма-
ҳалла фаолларининг ички ишлар
идоралари ходимлари билан ҳам-
корлик алоқаларини такомиллаш-
тириш чора-тадбирлари тўғри-
сида фикр-мулоҳазалар ўртага
ташланмоқда.

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқ ва
эркинликларининг поймол этили-
ши билан боғлиқ, трансмиллий
жиноят ҳисобланган одам савдо-
сига қарши кураш чоралари тако-
миллашди. Ўзбекистон Республи-
каси Жиноят Кодексининг ушбу
жиноий ҳолат билан боғлиқ мод-
даси қайта кўриб чиқилиб, бундай
жиноят турларига нисбатан жазо
чораси қучайтирилди.

Одамлар савдоси ва бу бора-
даги халқаро ҳамда миллий қонун
ҳужжатлари ижросини таъминлаш
мақсадида жойларда семинар-
машгулотлар ўтказиб борилмоқ-
да. Мисол учун, вилоят ички иш-
лар бошқармаси ташаббуси билан
«Одам савдосига қарши ку-

раш: муаммо ва ечимлар» мавзу-
сида ўтказилган семинардан
кўзланган мақсад ҳам одам сав-
досига қарши курашиш бўйича
асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжат-
ларнинг амалиётга татбиқ этили-
ши ва бу борада Тошкент вилоя-
ти ички ишлар идора ва тизимла-
ри томонидан амалга оширила-
ётган ишлар хусусида фикр алма-
шишдан иборат бўлди.

Семинарда «Истиқболли авлод»
ёшлар ахборот-маърифат марка-
зи ва Ички ишлар бошқармаси-
нинг масъул ходимлари бу соҳа-
даги жиноятларнинг олдини олиш
ва фош этиш борасида амалга
оширилаётган тадбирлар, фуқаро-
ларнинг ҳуқуқий маданиятини
юксалтириш, одам савдоси жи-
ноятининг қурбони бўлиб қолиш-
ларини олдини олиш борасида
олиб борилаётган тарғибот иш-
ларига тўхталдилар. Қолаверса,
мунтазам равишда вилоятнинг
шаҳар-туман ИИБлари ва бошқ-
арма соҳавий хизматларида бу
борада амалга оширилаётган
ишлар, келгусидаги вазифалар-
ни ҳамкорликда таҳлил этиб, мав-
жуд камчилик ва нуқсонларни бар-
тараф этишга келишиб олинди.

Мамлакатимизда келажакимиз
эгалари бўлган ёш авлоднинг илм
олиши, хунар эгаллаши, барка-
мол инсонлар сифатида камол
топишига алоҳида аҳамият қара-
тилмоқда. Бу борадаги қатор эзгу
ишларнинг ҳаётга татбиқ этила-
ётганлиги замирида ҳам келажак-

ги буюк юртнинг таянчи ва сунячи
бўлган бугунги авлод камолотига
берилаётган алоҳида эътибор ва
ғамхўрлик мужассамдир. Шу маъ-
нода, Тошкент вилояти ИИБ ИХҚ
ва ЮТБ ташаббуси билан мактаб,
лицей, коллеж ва олий ўқув юрт-
ларида ёшларнинг ҳуқуқий мада-
ниятини юксалтириш ҳамда
ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик
ва жиноятчиликнинг олдини
олишга қаратилган суҳбат ва уч-
рашувлар ўтказиб келинмоқда.
Чунки, ҳар бир фуқаро аввало,
юксак ҳуқуқий маданиятга эга
бўлиб, ўзининг конституцион
ҳуқуқларини яхши билиши, амал-
даги Қонун талаблари доираси-
да ҳаракат қилиши, ҳар қандай
вазиятда ҳам ҳуқуқбузарлик ва
жиноят юз беришининг олдини
олишининг ўзиёқ, инсон манфа-
атларини таъминлашга хизмат
қилиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бугун-
ги кунда вилоят ИИБ ИХҚ ва
ЮТБ ходимлари томонидан фу-
қароларнинг ҳуқуқий маданияти-
ни юксалтириш, ички ишлар идо-
ралари томонидан инсон манфа-
атларини ҳимоя қилиш, унинг
ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-
лаш соҳасидаги ишлар самара-
дорлигига эришиш борасидаги
ҳаракатлар жадал суръатларда
олиб борилмоқда.

Хуршид РЎЗИЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ
Матбуот маркази
инспектори, лейтенант

“КЕБРУН” ХУСУСИЙ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳлини

ЯНГИ — 2010 ЙИЛ —

“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ”
билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда тинчлик ва
осойишталик, барқарорлик бўлсин.



ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ



**“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ**

Азиз ватандошларимизни кўриб келаётган

Янги - 2010 йил билан чин юракдан кутлайди.

*Бу йилда юксак маърифатни забт этишимизни,
унда ҳақиқат матбуот нашрлари мазнавий
қамроғимиз бўлишини тилайди.*

**ҲАЁТИНГИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЮТУҚ ВА
МУВАФФАҚИЯТЛАР ТАРК ЭТМАСИН!**

ОБУНАГА ҚўШАВЧИ - “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

**“ЯККАБОҒ ҚўРҒОНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ” КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

2 Мамлакатимиз аҳолисини Янги йил айёми билан самимий муборакбод этади.

0 Юксалиш ва тараққиёт йўлида шахдам одимлаётган юртдошларимиз хонадонларига 2010 йил тинчлик, хотиржамлик, файзу барака келтирсин.

**1
0
Й
И
Л**




**ЎЗМТДН НУКУС
ШАҲАР КЕНГАШИ**

Барча юртдошларимизни
“Баркамол авлод йили”
билан кутлайди.

Янги йил халқимиз ҳаётига бахт-омад, шоду хуррамлик олиб келсин.

ҚУТЛОВ



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Сизларни вириб келаётган Янги – 2010 йил билан муборакбод этади.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингизга қут-барака тилайди.



ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ



OAT «Aloqabank»
VISA Classic kartochkasi
safarlaringiz uchun tengsiz
hamrohingizdir

OAT «Aloqabank»ning
VISA Classic kartochkasiga
ega bo'ling va foydalaning!

*Юрtdошларимизни
Янги - 2010 йил
билан муборакбод
этади.*

*Янги йил сизга
бахт-саодат, хонадонингизга
файз-барака, юртинингизга
тинчлик ва фаровонлик
олиб келсин!*

Тел.: (+99871) 252 78 07

www.alokabank.uz

alokauz@uzpak.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

“QIZILQUMSEMENT” Certificate № 0410020050368

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни 2010 – Янги йил байрами билан қизгин ва самимий муборакбод этади.



“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ” деб эълон қилинган янги йил ҳар бир оила, хонадонга қут-барака, сиҳат-саломатлик ва тўқинлик олиб келсин!

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор, дилимиздаги эзгу ниятлар ижобат бўлаверсин!

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!

VATAN TUUG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликни ўз бўйига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1123, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-87-74, 234-87-73,
234-86-41 ФАКС: (8-371)
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаил ХУДОЕВ
Навбатчи:
Бехбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.